

## Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя

2025 йил учун


- I. Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар
- II. Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчилар
- III. Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар
- IV. Ижтимоий ҳимоя кўрсаткичлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

### I. Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар

**Нафақа** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга, болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга, қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларга тегишли равишда нафақа ёшига тўлиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови.

### Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар сони <sup>1)</sup>

(тегишли йил учун, минг киши (оила))



2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар умумий сонининг изчил ўсиши кузатилди. 2025 йилда уларнинг умумий сони **5 146,9 мингтани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **201,6 мингтага**, ёки **4,1 %** га ошди.

<sup>1)</sup> Пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги маълумотлар тегишли тўловларни олаётган шахслар сонини акс эттиради, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ва нафақалар бундан мустасно бўлиб, улар бўйича алоҳида шахслар эмас, балки оилалар сони ҳисобга олинади.

Мазкур тоифанинг асосий қисмини пенсия олувчилар ташкил этди. 2025 йилда уларнинг сони **4 433,0 мингтага** етди ва 2024 йилга нисбатан **186,6 мингтага**, ёки **4,4 %** га ошди. Шу билан бирга, нафақа олувчилар сони **713,9 мингтани** ташкил этди. 2024 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич **15,0 мингтага**, ёки **2,1 %** га кўпайди.

**Пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025 йил учун, минг киши (оила))

	Жами	жамига нисбатан ҳудудларнинг улуши, % да	улардан:	
			пенсия олувчилар	нафақа олувчилар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>5 146,9</b>	<b>100</b>	<b>4 433,0</b>	<b>713,9</b>
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	276,5	5,4	234,6	41,9
Андижон вилояти	478,5	9,3	411,6	66,9
Бухоро вилояти	311,0	6,0	281,3	29,7
Жиззах вилояти	186,2	3,6	151,2	35,0
Қашқадарё вилояти	479,7	9,3	398,1	81,6
Навоий вилояти	175,8	3,4	151,8	24,0
Наманган вилояти	408,8	8,0	344,7	64,1
Самарқанд вилояти	553,2	10,8	469,5	83,7
Сурхондарё вилояти	365,9	7,1	297,4	68,5
Сирдарё вилояти	135,5	2,6	114,1	21,4
Тошкент вилояти	462,4	9,0	409,9	52,5
Фарғона вилояти	583,0	11,3	518,0	65,0
Хоразм вилояти	285,7	5,6	243,5	42,2
Тошкент шаҳри	444,7	8,6	407,3	37,4

2025 йилда пенсия ва нафақа олувчиларнинг энг юқори умумий сони Фарғона (**583,0 минг**), Самарқанд (**553,2 минг**) ва Қашқадарё (**479,7 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**135,5 минг**), Навоий (**175,8 минг**) ва Жиззах (**186,2 минг**) вилоятларида кузатилди.

Пенсия олувчилар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Фарғона (**518,0 минг**), Самарқанд (**469,5 минг**) ва Андижон (**411,6 минг**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**114,1 минг**), Жиззах (**151,2 минг**) ва Навоий (**151,8 минг**) вилоятларида қайд этилди.

Нафақа олувчилар орасида энг юқори сон Самарқанд (**83,7 минг**), Қашқадарё (**81,6 минг**) ва Сурхондарё (**68,5 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**21,4 минг**), Навоий (**24,0 минг**) ва Бухоро (**29,7 минг**) вилоятларида кузатилди.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши](#)

[10 000 аҳолига нисбатан пенсия ва нафақа олувчилар сони](#)

[Пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда](#)

## II. Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчилар

**Пенсия** – уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови.

**Пенсия олувчилар** – қонунчиликка мувофиқ мунтазам равишда пуллик тўлов (пенсия)ларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифасидир. Ушбу тўловлар пенсия ёшига етиши, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги ёки кўп йиллик хизматига кўра ижтимоий қўллаб-қувватлаш сифатида тақдим этилади.

### Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчилар сони <sup>1)</sup>

(тегишли йил учун, минг киши (оила))



Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчиларнинг асосий қисмини ёшга доир, жумладан, кўп йиллик хизмати учун пенсия олувчи шахслар ташкил этди. 2025 йилда уларнинг сони **3 667,4 минг нафарга** етди ва 2024 йилга нисбатан **151,3 минг нафарга**, ёки **4,3 %** га ошди.

Шу билан бирга, 2025 йилда пенсия олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони **493,9 минг нафарни** ташкил этди. 2024 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич **22,8 минг нафарга**, ёки **4,8 %** га ошди.

Бундан ташқари, 2025 йилда боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчи оилалар сони **271,7 минг оилани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **12,5 минг оилага**, ёки **4,8 %** га кўпайди.

<sup>1)</sup> Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсиялар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида шахслар сонини эмас, балки оилалар сонини акс эттиради.

**Пенсия олувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025 йил учун, минг киши (оила))

	Жами	улардан:		
		ёшга доир, жумладан, кўп йиллик хизмати учун пенсия олувчи шахслар	пенсия олувчи ногиронлиги бўлган шахслар	боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчи оилалар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>4 433,0</b>	<b>3 667,4</b>	<b>493,9</b>	<b>271,7</b>
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	234,6	180,7	36,4	17,5
Андижон вилояти	411,6	346,2	40,8	24,6
Бухоро вилояти	281,3	230,6	37,0	13,7
Жиззах вилояти	151,2	118,7	18,5	14,0
Қашқадарё вилояти	398,1	323,2	48,5	26,4
Навоий вилояти	151,8	114,9	27,2	9,7
Наманган вилояти	344,7	280,9	39,6	24,2
Самарқанд вилояти	469,5	396,8	45,0	27,7
Сурхондарё вилояти	297,4	240,2	35,8	21,4
Сирдарё вилояти	114,1	85,7	21,1	7,3
Тошкент вилояти	409,9	343,9	35,9	30,1
Фарғона вилояти	518,0	451,7	44,0	22,3
Хоразм вилояти	243,5	200,3	29,4	13,8
Тошкент шаҳри	407,3	353,6	34,7	19,0

Ёшга доир, шу жумладан узоқ йиллик хизмат учун пенсия олувчи шахслар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Фарғона (**451,7 минг**), Самарқанд (**396,8 минг**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**353,6 минг**) кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**85,7 минг**), Навоий (**114,9 минг**) ва Жиззах (**118,7 минг**) вилоятларида қайд этилди.

Пенсия олувчи ногиронлиги бўлган шахслар орасида энг юқори сон Қашқадарё (**48,5 минг**), Самарқанд (**45,0 минг**) ва Фарғона (**44,0 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах (**18,5 минг**), Сирдарё (**21,1 минг**) ва Навоий (**27,2 минг**) вилоятларида кузатилди.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчи оилалар сонининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент (**30,1 минг**), Самарқанд (**27,7 минг**) ва Қашқадарё (**26,4 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**7,3 минг**), Навоий (**9,7 минг**) ва Бухоро (**13,7 минг**) вилоятларида кузатилди.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори](#)

[Ёшга доир пенсиялар энг кам миқдорининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда](#)

[Пенсияларнинг ўртача миқдори](#)


[Пенсиялар ўртача миқдорининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда](#)

### III. Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар


**Ногиронлиги бўлган шахс** – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

**Ногиронлиги бўлган болалар (бола)** – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар.

#### Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар сони (тегишли йил учун, минг киши)



аёллар	346,5	392,9	420,1	474,5	481,1
эркаклар	450,8	503,5	521,8	546,3	582,0
жами	797,3	896,4	941,9	1 020,8	1 063,1



ногиронлиги бўлган болалар	125,0	159,5	161,9	173,3	170,4
I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	75,1	85,0	87,3	94,2	97,3
II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	536,4	589,0	631,5	688,1	712,6
III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	60,8	62,9	61,2	65,2	82,8

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар умумий сонининг изчил ўсиши кузатилди. 2025 йилда ногиронлиги бўлган шахслар сони **1 063,1 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **42,3 минг нафарга**, ёки **4,1 %** га ошди.

Гендер кесимида 2025 йилда ногиронлиги бўлган аёллар сони **481,1 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **6,6 минг нафарга**, ёки **1,4 %** га ошди, эркаклар сони эса **582,0 минг нафарни** ташкил этиб, **35,7 минг нафарга**, ёки **6,5 %** га кўпайди. Ногиронлиги бўлган шахслар таркибида аёллар улуши **45,3 %** ни, эркаклар улуши эса **54,7 %** ни ташкил этди.

2025 йилда ногиронлиги бўлган болалар сони **170,4 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **2,9 минг нафарга**, ёки **1,7 % га камайди**.

Ногиронлик гуруҳлари бўйича 2025 йилда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони **97,3 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **3,1 минг нафарга**, ёки **3,3 % га ошди**. II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони **712,6 минг нафарни** ташкил этиб, **24,5 минг нафарга**, ёки **3,6 % га кўпайди**. III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони **82,8 минг нафарни** ташкил этиб, **17,6 минг нафарга**, ёки **27,0 % га ошди**.

**Ногиронлиги бўлган шахслар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025 йил учун, минг киши)

	Жами	улардан:				жумладан, жинс бўйича:	
		болалар	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	аёллар	эркаклар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1 063,1</b>	<b>170,4</b>	<b>97,3</b>	<b>712,6</b>	<b>82,8</b>	<b>481,1</b>	<b>582,0</b>
<i>ҳудудлар:</i>							
Қорақалпоғистон Респ.	69,8	10,5	7,5	49,0	2,8	31,1	38,7
Андижон вилояти	90,3	15,6	8,4	57,9	8,4	41,4	48,9
Бухоро вилояти	63,7	6,6	5,6	47,6	3,9	28,9	34,8
Жиззах вилояти	45,6	8,7	3,9	29,4	3,6	20,6	25,0
Қашқадарё вилояти	113,4	20,3	9,0	77,4	6,7	51,9	61,5
Навоий вилояти	49,3	7,1	4,5	34,1	3,6	23,2	26,1
Наманган вилояти	85,6	12,9	6,6	59,2	6,9	39,9	45,7
Самарқанд вилояти	111,1	20,1	11,9	70,0	9,1	50,2	60,9
Сурхондарё вилояти	89,3	16,6	8,2	58,4	6,1	40,4	48,9
Сирдарё вилояти	39,7	6,1	2,6	29,0	2,0	18,3	21,4
Тошкент вилояти	76,8	11,1	7,0	49,3	9,4	33,3	43,5
Фарғона вилояти	95,7	15,1	8,9	62,0	9,7	42,1	53,6
Хоразм вилояти	64,2	10,4	7,6	43,4	2,8	29,7	34,5
Тошкент шаҳри	68,6	9,3	5,6	45,9	7,8	30,1	38,5


2025 йилда ногиронлиги бўлган шахсларнинг энг юқори сони Қашқадарё (**113,4 минг**), Самарқанд (**111,1 минг**) ва Фарғона (**95,7 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**39,7 минг**), Жиззах (**45,6 минг**) ва Навоий (**49,3 минг**) вилоятларида кузатилди.

Гендер кесимида барча ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахслар орасида эркаклар улуши аёллар улушидан юқори бўлди. Аёлларнинг энг юқори улуши Навоий (**47,1 %**), Наманган (**46,6 %**) ва Хоразм (**46,3 %**) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, эркакларнинг энг юқори улуши Тошкент вилояти (**56,6 %**), Тошкент шаҳри (**56,1 %**) ва Фарғона вилоятида (**56,0 %**) қайд этилди.


Ногиронлиги бўлган болалар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Қашқадарё (**20,3 минг**), Самарқанд (**20,1 минг**) ва Сурхондарё (**16,6 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**6,1 минг**), Бухоро (**6,6 минг**) ва Навоий (**7,1 минг**) вилоятларида кузатилди.

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар орасида энг юқори сон Самарқанд (**11,9 минг**), Қашқадарё (**9,0 минг**) ва Фарғона (**8,9 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**2,6 минг**), Жиззах (**3,9 минг**) ва Навоий (**4,5 минг**) вилоятларида кузатилди. II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Қашқадарё (**77,4 минг**), Самарқанд (**70,0 минг**) ва Фарғона (**62,0 минг**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**29,0 минг**), Жиззах (**29,4 минг**) ва Навоий (**34,1 минг**) вилоятларида қайд этилди. III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Фарғона (**9,7 минг**), Тошкент (**9,4 минг**) ва Самарқанд (**9,1 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё вилояти (**2,0 минг**), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида (**ҳар бирида 2,8 мингдан**) кузатилди.

**Ўзбекистон Республикасида биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони**  
(тегишли йил учун, минг киши)



аёллар	43,9	54,7	54,5	63,2	54,3
эркаклар	52,3	63,2	61,2	71,9	62,1
жами	96,2	117,9	115,7	135,1	116,4



ногиронлиги бўлган болалар	25,0	27,8	27,2	29,3	25,0
I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	9,1	11,8	9,8	12,8	10,0
II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	56,5	73,4	74,6	86,8	75,0
III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар	5,6	4,9	4,1	6,2	6,4

2025 йилда Ўзбекистон Республикасида биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони **116,4 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **18,7 минг нафарга**, ёки **13,8 % га** камайди.

Гендер кесимида 2025 йилда биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилган аёллар сони **54,3 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **8,9 минг нафарга**, ёки **14,1 % га** камайди, эркаклар сони эса **62,1 минг нафарни** ташкил этиб, **9,8 минг нафарга**, ёки **13,6 % га** пасайди. Биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар таркибида аёллар улуши **46,6 % ни**, эркаклар улуши эса **53,4 % ни** ташкил этди.

2025 йилда биринчи марта ногиронлиги бўлган бола деб топилганлар сони **25,0 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **4,3 минг нафарга**, ёки **14,7 % га** камайди.

Ногиронлик гуруҳлари бўйича 2025 йилда биринчи марта I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони **10,0 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **2,8 минг нафарга**, ёки **21,9 % га** пасайди. Биринчи марта II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони **75,0 минг нафарни** ташкил этиб, **11,8 минг нафарга**, ёки **13,6 % га** камайди. Биринчи марта III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони **6,4 минг нафарни** ташкил этиб, **0,2 минг нафарга**, ёки **3,2 % га** ошди.

**Биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар  
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025 йил учун, минг киши)

	Жами	улардан:				жумладан, жинс бўйича:	
		болалар	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	аёллар	эркаклар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>116,4</b>	<b>25,0</b>	<b>10,0</b>	<b>75,0</b>	<b>6,4</b>	<b>54,3</b>	<b>62,1</b>
<i>ҳудудлар:</i>							
Қорақалпоғистон Респ.	5,7	1,3	0,7	3,5	0,2	2,6	3,1
Андижон вилояти	9,8	2,0	0,9	6,3	0,6	4,6	5,2
Бухоро вилояти	5,0	0,8	0,4	3,6	0,2	2,3	2,7
Жиззах вилояти	5,2	1,3	0,3	3,1	0,5	2,3	2,9
Қашқадарё вилояти	12,2	2,7	0,7	8,4	0,4	5,9	6,3
Навоий вилояти	5,3	1,0	0,4	3,4	0,5	2,6	2,7
Наманган вилояти	8,6	1,7	0,6	5,8	0,5	4,2	4,4
Самарқанд вилояти	10,5	2,7	0,9	6,3	0,6	4,7	5,8
Сурхондарё вилояти	9,3	2,6	0,6	5,5	0,6	4,5	4,8
Сирдарё вилояти	4,2	0,9	0,3	2,7	0,3	2,0	2,2
Тошкент вилояти	7,5	1,5	0,7	4,6	0,7	3,3	4,2
Фарғона вилояти	8,1	1,9	0,6	5,0	0,6	3,7	4,4
Хоразм вилояти	6,9	1,3	0,8	4,6	0,2	3,5	3,4
Тошкент шаҳри	18,1	3,3	2,1	12,2	0,5	8,1	10,0

2025 йилда биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганларнинг энг юқори сони Тошкент шаҳри (**18,1 минг**), Қашқадарё (**12,2 минг**) ва Самарқанд (**10,5 минг**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**4,2 минг**), Бухоро (**5,0 минг**) ва Жиззах (**5,2 минг**) вилоятларида кузатилди.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар орасида эркаклар улуши аёллар улушидан юқори бўлди. Аёлларнинг энг юқори улуши Хоразм (**50,7 %**), Навоий (**49,1 %**) ва Наманган (**48,8 %**) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, эркакларнинг энг юқори улуши Тошкент (**56,0 %**) ва Жиззах (**55,8 %**) вилоятлари, шунингдек, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида (**ҳар бирида 55,2 %**) қайд этилди.

Биринчи марта ногиронлиги бўлган бола деб топилганлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**3,3 минг**), шунингдек, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида (**ҳар бирида 2,7 мингдан**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Бухоро (**0,8 минг**), Сирдарё (**0,9 минг**) ва Навоий (**1,0 минг**) вилоятларида кузатилди.

Биринчи марта I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар орасида энг юқори сон Тошкент шаҳри (**2,1 минг**), шунингдек, Андижон ва Самарқанд вилоятларида (**ҳар бирида 0,9 мингдан**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Жиззах ва Сирдарё вилоятлари (**ҳар бирида 0,3 мингдан**), шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларида (**ҳар бирида 0,4 мингдан**) кузатилди. II гуруҳ ногиронлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**12,2 минг**), Қашқадарё (**8,4 минг**), Андижон ва Самарқанд (**ҳар бирида 6,3 мингдан**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**2,7 минг**), Жиззах (**3,1 минг**) ва Навоий (**3,4 минг**) вилоятларида кузатилди. III гуруҳ ногиронлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент вилояти (**0,7 минг**), шунингдек, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида (**ҳар бирида 0,6 мингдан**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида (**ҳар бирида 0,2 мингдан**) кузатилди.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлар сони \(жами\)](#)

[Биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилган аёллар сони](#)

[Биринчи марта ногиронлиги бўлган шахс деб топилган эркаклар сони](#)

[Биринчи марта ногиронлиги бўлган бола деб топилган қиз болалар сони](#)

[Биринчи марта ногиронлиги бўлган бола деб топилган ўғил болалар сони](#)

#### **IV. Ижтимоий ҳимоя кўрсаткичлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

**Ижтимоий ҳимоя** — аҳолининг ижтимоий ва моддий ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир. У ёши, саломатлик ҳолати, ижтимоий мавқеи ёки яшаш учун зарур маблағлар билан етарлича таъминланмаганлиги сабабли ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашни қамраб олади. Унинг **асосий мақсади** аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий тафовутларни қисқартириш ва муносиб турмуш даражасини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя бўйича статистик маълумотлар йиллик статистик ҳисоботлар ва ваколатли давлат органларининг маъмурий маълумотлари асосида шакллантирилади. Жамланган маълумотлар пенсия таъминоти тизими, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобини юритиш ҳолати ҳамда ривожланишини тавсифлаш учун фойдаланилади.

**Пенсия олувчилар** тўғрисидаги статистик маълумотлар **1 pensiya** “Пенсионерлар сони ва уларга тайинланган пенсиялар тўғрисида”ги йиллик статистика ҳисоботи шакли маълумотлари асосида шакллантирилади.

Мазкур ҳисоботни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳамда Олий суд тақдим этади. Ушбу маълумотлар асосида пенсия олувчилар сони, пенсионерларнинг пенсия турлари бўйича тақсимланиши, шунингдек, уларга тайинланган пенсиялар тўғрисидаги кўрсаткичлар шакллантирилади.

**Нафақа олувчилар** тўғрисидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этиладиган **1 pensiya** йиллик статистик ҳисоботнинг нафақаларга оид бўлими асосида шакллантирилади. Мазкур ҳисобот нафақа олувчилар сони ва уларга тайинланган нафақалар, шу жумладан олувчиларнинг алоҳида тоифалари бўйича маълумотларни ўз ичига олади: болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар ва 18 ёшгача бўлган ОИВ инфекциясини юқтирган шахслар; ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа тоифалари; 60 ёшга тўлган аёллар ва 65 ёшга тўлган эркеклар; болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор 55 ёшга тўлган оналар; шунингдек, боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчилар.

**Ногиронлиги бўлган шахслар** ва ногиронлик сабаблари тўғрисидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этиладиган **1 nogironlik** “Ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлик сабаблари тўғрисида”ги йиллик статистика ҳисоботи асосида шакллантирилади. Мазкур ҳисобот ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар сони, ногиронлик гуруҳлари, ногиронлик сабаблари ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиш, шунингдек, ногиронликни бирламчи белгилаш ва қайта тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Жамланган статистик маълумотлардан ижтимоий ҳимоя тизими ҳолатини мониторинг қилиш, таҳлилий материаллар тайёрлаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ижтимоий соҳадаги давлат дастурларини ахборот билан таъминлаш учун фойдаланилади.

**Фойдали ҳаволалар:**

[Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни \(03.09.1993 йилдаги 938-XII-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни \(15.10.2020 йилдаги ЎРҚ-641-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори \(13.10.2022 йилдаги 592-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори \(23.03.2023 йилдаги 119-сон\)](#)

[Ижтимоий ҳимоя статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича Услубий низом](#)

**Тайёрлаш учун масъул:**  
Ижтимоий соҳа ва барқарор  
ривожланиш статистикаси  
бошқармаси

**Манзил:** 100170, Тошкент ш.,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63  
**Эл. манзил:** info@stat.uz  
**Тел.:** (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

